



EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

ILM SARCHASHMALARI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-NAZARIY, METODIK JURNALI



2021-2

турли лаҳзалардаги холатларни шонронга ёритишга интилади. Унда яхшиликнинг эртаси фаровонлиги, ҳаликка хизмат қилиш фойдали иш эканлиги, оламнинг бу гўзалаликларидан баҳра олиш инсон учун нозик хислар эканлигини ўртага ташлайди. Яратган асарларидағи қаҳрамонларининг қиёфалари орқали ишкка етиш йўлларини излайди. Шулар орқали жамиятнинг, инсониятнинг характери ва бадиий-фалсафий киёфасини яратиб беради. Шоир моҳирлик билан обьектни тадқик этиб, унга жозибадорлик, янгича ҳаёт ва гўзаллик баҳш этиш йўллари билан ижод қилади. Ҳар бир киёфани ўрганар экан, моҳиятни яққол кўрсатадиган, замонавийлик касб этадиган эстетик дунёкаршини яратишга интилади.

Навоий даврида санъат, меймормонлик, рассомчилик, шеърият, ҳайкалтарошлиқ каби соҳаларнинг ривожланганлигини “Хамса” ва бошқа асарлардаги ўхшатишлар орқали билиб олишимиз мумкин. Уларда табиатдаги гўзаллик, турли-туман манзаралар, одатий турмуш учун ишлатиладиган эстетик киёфадаги нарсалар, инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалари, фикрлаш тарзи, инсонни завкланиш ва илҳом бериш кабилар асосий ўринни эгалайди.

Навоий бадиий-фалсафий қарашларида тарбия масаласи асосий ўринларда бўлиб, унда тарбиянинг нозик жиҳатлари бадиий киёфада ифодаланади. Бадиий адабиёт воситаси орқали Навоийнинг асарларида инсон кўнгилига йўл топувчи нозик хилқатлар, қаҳрамонлар сиймосининг информаси, умуминсоний фазилатлар, чукур фалсафий мазмун, юксак бадиий тасвирлар киёфаси ифодаланади. Бадиий-фалсафий ғоялар асосида даврнинг мафкуравий киёфасида тарбиянинг роли очиб берилади. Жамиятнинг ахлоқини эса факат мафкуравий тарбия йўллари билан амалга оширишнинг самараси хусусида сўз юритади. Навоийнинг асарларида гўзалликни инсон ва дунё ўртасидаги ҳамоҳанглик ҳолати сифатида қаралади. Бунда тарбияни, энг аввало, қалбнинг гўзаллиги билан шеъриятнинг маъносини англаш асосида тушуниш ва уни руҳиятта сингдириш, хис этиш лозимлиги таъкидланади.

Навоийнинг бой мероси ёшларнинг эстетик тарбияси ва маънавий камолотида муҳим омил саналади. Аждодларимиз ўтмишда ёшларнинг жисмонан бақувват, руҳан соғлом, ақлан етук бўлишларига катта эътибор қаратганлар. Ушбу завқий муносбат ёшлар эстетик тарбияси ва дунё-караши ривожланишига катта хизмат қилган.

Навоий бадиий-фалсафий меросининг ёшлар камолотидаги ўрни ҳалол меҳнат билан тарбия топишда ҳам долзарб омил саналади. Нақшбандийнинг “Даст ба кору дил ба ёр” шиорига амал қилиш ҳар бир инсонни ҳалол меҳнат қилишга, оиласи фаровонликка, жамият тараққиётига ўз хиссасини кўшишга ундан келган. Бу даъват юртимизда фуқароларнинг ижтимоий фаолликларини оширишга, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шукрова Зилола Юсуфовна (Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчisi, филология файлари бўйича фалсафа доктори)
«ҚИСАСИ РАБГУЗИЙ»НИНГ НОДИР ҚЎЛЁЗМАСИ ТАДҚИҚИ ВА ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Уибу мақолада XIV асрда яшаб ижод этган Носириддин Рабгузийнинг “Қисаси Рабгузий” асари нусхалари ҳақида сўз юритилган. Жумладан, ЎзР ФА Беруний қошидаги Қўлёзмалар институтида сақланаётган нодир қўлёзма ҳисобланган 1834-раҳамли нусхаси тадқиқ этилиб, бошқа нусхалардан фарқли жиҳатлари кўрсатилган.

Аннотация. В статье рассматриваются копии “Кисаси Рабгузи” Носириддина Рабгузи, жившие и творившие в XIV веке. В частности, был изучен редкий рукописный номер №1834, хранившийся в Институте рукописей Берунийской Академии наук Республики Узбекистан, и показаны его отличия от других экземпляров.

Annotation. The article examines copies of “Kisasi Rabguzi” by Nosiriddin Rabguzi, who lived and worked in the 14th century. In particular, a rare handwritten number №1834, stored at the Institute of Manuscripts of the Beruniy Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, was studied, and its differences from other copies were shown.

Калим сўзлар: Қисаси Рабгузий, асар, қисса, сюжет, саъж, қўлёзма, тошибосма, образ.
Ключевые слова: Қисаси Рабгузи, произведение, рассказ, сюжет, садж, рукопись, литография, изображение.

Keywords: Kisasi Rabguzi, work, story, plot, saj, manuscript, lithography, image.

Маълумки, Насируддин Рабгузий «Қисаси Рабгузий» асарини ёзиш билан адабиётимизни рихида бадий насрнинг илк ва нодир намунасини яратди. Бу асар тузилиши жихатидан хам, маъмуни, гоявий йўналиши, образлар тизими, бадий нафосати, турли адабий жанрлар, поэтик мазмун, ларнинг коришиб келиши нуктаи назаридан ҳам ўзига хос манбадир. Мазкур ёдгорлик сюжет, воқеа-худати назаридан, бошқа шу силсиладаги асарлардан фарқ қиласди. Унда адаб диний сюжет, идеали билан узбек чидаларни айнан келтирмай, уларни ўз ижодий нияти, ижтимоий-маърифий идеали билан узбек боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Инсон умри, жамият тақдирни ва уларнинг бир-бира билан узбек бадий ижод намуналарига якин туар экан.

XIV асрда Хоразмнинг Работуғузида яшаган Насируддин Бурхонуддин Рабгузийнинг шахси, у яшаган жой хакида изланиш олиб бораётган олимлар Тўкбуға беклик қылган калья – Работуғуз хозирги давр ёдгорликлари рўйхатида Тўккалья номи билан кайд этилиб, у хозирги Корандо, поғистон Республикаси Нукус туманида жойлашганингини¹ аниклашди. Шунингдек, адаб худати қўнинг ягона меросини тадқиқ этиш, ундаги қисса, ҳикоят, ривоят, шеърий жанрлар, латифа, жонмат кабиларнинг асарда тутган ўрнини таҳлил килишда илмий хуносалар ҳам берилсантики, у ҳам Рабгузий ижодини ўрганиш бугунги кунда ҳам долзарблигича колаётганингини исботлайди.²

Ўз даврининг билимдони бўлган Насируддин Рабгузий «Қисаси Рабгузий» асарини ёзиши диний манбаларни ўрганиш билан бирга, оғзаки ижод таъсирида юзага бўлган «XIV асрдаги ўзбек-наларидан ҳам фойдаланган. Ўзига хос композицион тузилишга эга бўлган «Қисаси Рабгузий» «Ҳорзик 710 йилнинг Хут (милодий 1310–1311 йил 21 февраль – 21 март) ойида»³ ёзиг тутгалланган.

Асар таркибидаги қиссалар ўртасидаги умумийлик пайғамбарларга хос сифатлар, уларнинг Аллоҳ томонидан юборилгани, жамиятда авж олган заарли иллатлардан инсонларни кайтаргани ҳамда диннинг аҳамиятини тушунтиргани Куръон оятлари, Ҳадисдан олинган ибратли ҳикоялар ҳамда ҳалқ оғзаки ижоди намуналари асосида ўзига хос услубда ифодаланади. Шунингдек, муаллифнинг ифода шакли ҳам муайян бадий-эстетик тамойилларга асосланади, яъни адаб пайғамбарларнинг хаёт йўлини тасвирлашдан аввал, уларнинг сифатлари ва мўъжизаларини эртак ва достонларда етакчи бўлган саъж усулидан фойдаланади. «Кўлланган саъж эса ўз характери жихатидан жуда ҳам мукаммал бўлиб, сажъланган ҳар бир сўз у ёки бу шахс сифатларини очиб беришга хизмат қиласди».⁴ Асар мукаддимасида пайғамбарлар фаoliyati умумий обзор тариқасида шеърий шаклда берилади. Қиссанинг мазмуни, бадийлигини кучайтириш, мунозарали воқеа-ходисаларга аниклик киритиш мақсадида адаб тасвир жараённида бир жанр ичида бошқасини келтириб, асарнинг таъсиранлигини таъминлайди. Ёзувчининг аза шундай ўзига хос услуби асарнинг ҳалқлар орасида маълум ва машҳур бўлишига себаб бўлған.

Хозирги кунда асарнинг бир неча кўлёзма нусхалари ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинаси Асосий фондда 3042, 10252, 7397, 1834, 6227, 11537, 6346, 6685, 6122, 11202, 12701, 7022, 1624, 5687-инвентарь рақамлари билан рўйхатга олинган. Қиссанинг турли давлатларда кўплаб нусхалари сакланиб, Туркия давлат кутубхонасида юздан ортиқ, Остона давлат кутубхонасида қирқдан ортиқ кўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжудлиги аникланган.⁵ Сўнгти йилларда ҳам юртимизда асарнинг кўлёзма ва тошбосма нусхалари нашр этилди.⁶

¹ Зохидов П. Кун туғардин кун ботарға сўзи етган зот. “Ўзбек адабиёти ва санъати”, Т., 2002, 2 февраль, 2-бет; Абдушукоров Б. Эски туркий тили адабий тил лексикаси. Т., “!Тафаккур бўстони”, 2015, 9-бет.

² Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, “Sano-standart”, 2017, 231–253-бетлар.

³ Расулов Х. Ҳалқ фантазияси изларнинг кўриниши. “Адабий мерос”, Тошкент, 1986, 2-сон (36), 30-бет.

⁴ Рабгузий. Қисаси Рабгузий. 1-китоб, Тошкент, “Ёзувчи”, 1990, 7-бет.

⁵ Саримсоков Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент, “Фан”, 1978, 94-бет.

⁶ Айсу Ата. Насируддин бин Бурхонуддин Рабгузий. Қисас ул-анбиё. Анкара, 1997, 21–22-бетлар; Ҳалиудин А.Р. Графо-фонетические и морфологические особенности тюркоязычного памятника XIV в «Қисаси Рабгузий» Насириддина Рабгузи. Казан, Казанский государственный университет, 2002, с. 11.

⁷ «Қисаси Рабгузий»нинг биринчи қисми 2013 йил «Шарқ» нашриётида кайтадан чоп этилди. У 191 бет хажмида бўлиб, Р.Зарипова, Н.Сайдуллаева томонидан таянч манбага асосланган Тошкент нашри матнини ўзгартиришларсиз хозирги ўзбек адабий тилида табдил қилинган; Қиссанинг Самарқанд тошбосма нусхаси 2009 йил «Мумтоз сўз» нашриётида филология фанлари доктори Б.Абдушукоров томонидан хозирги ўзбек адабий тилида нашр этилган. У 207 бетдан иборат бўлиб, матидаги лавхаларнинг бальзилари туширилган.

били адабиётимиз та-
чи жиҳатидан ҳам, маз-
каирлар, поэтик унсур-
тур ёдгорлик мавзу нуқ-
иний сюжет, воқеа-хор-
идеали билан чамбар-
бир-бири билан узвий
титоб туркум сюжетли
н Рабғузийнинг шах-
илган калья – Рабғо-
нингдек, адаб ҳаёти ва
ширлар, латифа, хик-
бериятники, у ҳам
исботлайди.²
«Асарини ёзишда
ёзма адабиёт наму-
н асрдаги ўзбек ба-
рабғузий» «хижрий
талланган.

Сифатлар, улар-
исонларни кай-
инган ибратли
даланади. Шу-
а асосланади,
ари ва мўъжи-
лланган сажъ
ёки бу шахс
аолияти уму-
ни кучайти-
раённида бир
чининг ана
баб бўлган.
х институти
202, 12701,
давлатларда
злат кутуб-
ўнгги йил-

Э.Фозиловнинг кайд этишича, «XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида
шар Тошкент, Козон, Самарқанд шахарларида литографик усулда бир неча марта нашр килини-
дан 1859 йили Козон шахрида эълон килинган. Бу нашр кейинцор кўчирилган нусхага асослан-
ти нусхалар орасида эса энг кадимиysi 1834-инвентар рақамли асар нусхаси хисобланади.

1834-йодир қўллэзма. Китоб каттик картон көгоз билан муковаланган. Устига сарик ду-
хоба матодан коплама ёпилган. Асар кўп талафот кўргани боис дастлабки саҳифалари йўқол-
ли кайтадан кўчирилган. Матн четида сарик ҳошия чизилган. Асл ёзув 5–6-бетдан бошланади.
Матн четида рамка йўқ. Наставлик хатида кўчирилган бу китоб 20x27 ўчловли, 450 вараклан
маган.

Китобнинг баъзи жойларига нам тегиши натижасида 105 а-б, 135-б, 293-б, 349-а бетлари-
даги ёзув бўялган. 104-б бетда мукова четида кизил ва сиёҳ рангда арабча сон ва сўзлар ёзил-
ган. Матндағи баъзи бир сўзлар устидан чизилган. Шунингдек, 108-а (сиёҳ рангда), 125-б, 126
а-б, 134-а, 150-а, 154-а, 155-а, 185-а, 189-а, 190-а 301-б бетларда турли сўзлар матн хошиясига
ёзилган. Баъзи жумлалар тагига калам билан чизилган. 115-б, 123-а, 209-а бетлар ўртаси йир-
пилган. Баъзи йиртилган варакларнинг чети кайта таъмирланган. 445-б бетнинг тела чет кисми
йиртилган, ёзуви хира тортган, бўялган, ўчирилган.

Китобда назм, байт, шеър номи остида 410 мисра лирик шеър берилган бўлиб, улар араб,
форс-тоzik, туркий тиллардадир. Бу атамалар кизил сиёҳда ажратиб кўрсатилгани учун кўзга
тоз ва осон ташланади.

Асар беш хил ёзувда битилган: 1-бетдан – 5-а бетгача биринчи хил ёзув, 5-б бетдан – 191-
бетгача иккинчи хил ёзув, 192-а бетдан – 203-б бетгача учинчи хил ёзувда битилган. 446-б –
447-б бетгача вараклари зарар кўргани боис бошка чиройли хуснинатда тўлдирилган. 448–450-
бетгача тушунарсиз ва хунук хатда арабча сўзлар ёзилган.

Хулоса қилиб айтганда, хозиргача биз таяниб келаётган адаб ижоди ҳакидаги айrim маз-
думотлар адаб ва унинг мероси ҳақида тўлиқ тасавурни хосил килмайди. Қисса ўкувчилар-
нинг севимли асари бўлгани сабаб, турли жойларда котиблар томонидан кайта-кайта кўчирил-
ган ва китобат аносисида асарга қўшимча воқеалар, хикоятлар ва шеърлар киритилган. Натижада
қисса тили, сюжети, композицион тузилиши, ҳатто, унинг ёзилиш санаисига доир айrim чал-
кашниклар юзага келганки, бу соҳада ҳали кўплаб илмий изданишлар олиб борилмоги керак-
литини кўрсатади.

Ходжиева Гавҳар Рамазоновна

(БухДУ Филология факультети Ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси)

**ҲАМИД ОЛИМЖОННИНГ “МУҚАННА” ШЕЪРИЙ ДРАМАСИДА ЭРК ВА ОЗОДЛИК
ФОЯЛАРИНИНГ БАДИЙ ИФОДАЛАНИШИ**

Аннотация. Янги ўзбек адабиётида драматик тур ҳам сон жиҳатидан, ҳам сифат жиҳа-
тидан янги босқичга кўтарилди. Шу билан бирга, жаҳон адабиёти таъсири ва синкремлашув на-
тижасида драматургиянинг бир қанча янги жанрлари пайдо бўлди. Илмий кузатишлар шуни кўр-
сатадики, драматургиянинг турли жанрлари ҳар бир даврда услуб, мавзу, шакл ва мазмун жи-
ҳатдан сайқаллашиб, ривожланишида давом этмоқда. Унда, асосан, замонавий мавзулар етакчи
бўлса-да, драматурглар ўрни билан тарихий мавзуларга ҳам мурожаат қилдилар. Мақолада шеъ-
рни драманинг тарихий мавзудаги илк намуналаридан бири – Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” аса-
ри гоявий-бадиий таҳлил этилган. Унда драманинг образлар тизими, лиризм ва драматизмнинг
йўгунашганини каби жиҳатларга эътибор қаратилган.

Аннотация. В новой узбекской литературе драматический жанр вышел на новый уровень
как количественно, так и качественно. В то же время в результате влияния и конкретизации ми-
ровой литературы возникло несколько новых жанров драматургии. Научные наблюдения показы-
вают, что различные жанры драматургии продолжают развиваться в каждый период с точки

Рабғузий. Кисаси Рабғузий. 1-китоб, Тошкент, “Ёзувчи”, 1990, 8-бет.

MUNDARIJA

МАТЕМАТИКА

Жураев Турсунбай Файзиевич. О различных типах однородности и топологических пространств....3	
Азаматов Азизбек, Бабажонов Алишер, Ражабов Хурсанд. О периодической цепочке тоды со свободным членом.....14	
Курбанов Ергаш Куролович, Абдухаликова Манзура, Файзуллаев Шерзод Усар ўғли. Декартовая интерпритация задач на построение.....20	

FIZIKA

Муминов Рамзулло Абдуллаевич, Саймбетов Ахмет Кувандыкович, Тошмуродов Ёркин Каҳраманович, Эргашев Гиёс Жураевич, Явқочлиев Махмуджон Отамуродович. Катта ўлчамли монокристал кремний асосида икки координат-сезувчани детекторлар ишлаб чиқариш технологияси.....23	
Karshiev Sharif Sherkulovich. Куёш коллекторларини ўзини-ўзи дренаж қиласиган ва турли хил шароитларда мавсумий синаб кўриш энергия тежамкор инновацион яратилган лаборатория стендиди.....25	
Madaliyev Akmaljon Maxammadjonovich. Zaralar fizikasidan amaliy mashg'ulotlarda fundamental o'zaro ta'sir turlariga doir masalalar yechish.....28	

TARIX

Каримов Сарварбек Отабаевич. Ўрта Осиё минтакасида антропоген ландшафт таъсирида вужудга келган табиий-иктисодий масивларнинг географик хусусиятлари.....31	
---	--

FALSAFA

Юсупов Шерматилла. Маънавий согломлаштиришда ижтимоий ҳамкорлик.....34	
Хамроев Санжар Самиевич. Сиёсий глобаллашувнинг шаклланиш негизлари.....39	
G'apparov Elyorjon Otabekovich. Ijtimoiy innovatsiyalarining turlari va xususiyatlari.....42	
Ходжаев Сардор Боходирович. Инновация: илмий талкинлари ва моҳияти.....44	
Рахматова Мехриноз Мажитовна. Ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришнинг концептуал асослари.....47	
Эронов Самарбек Курбониазарович. Маданият фалсафасида “Ишонч” ва “Ишончсизлик” ходисаларининг ўзига хос талкини.....50	
Джуракулов Xусан Анварович. Ёшларнинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш масалалари.....54	
Bobomurod Normatovich Boboyorov. Philosophical Analysis of Approaches of Interethnic Relations.....56	

TILSHUNOSLIK

Асадов Рустам Мўминович, Исломова Шохида. Изохловчининг синтактик парадигматикадаги ўрни хусусида айrim мулоҳазалар.....62	
Батирханова Мадина Ойбековна. Соматик фразеологик бирликларни лингвомаданий аспектда тадқиқ этиш масалалари.....64	
Eshonqulova Gulrux To'raqulovna. Tilning sotsiolingvistik tabiat.....68	
Chi Daojia. The Contrastive Analysis of Chinese Prepositions and Corresponding Uzbek Auxiliaries/Af-fixes.....71	

ADABIYOTSHUNOSLIK

Эгамбердиева Нафиса Мустафаевна. Алишер Навоий асарларида гўзалликнинг бадий-фалсафий талкини.....80	
Шукрова Зилола Юсуфовна. «Кисаси Рабгузий»нинг нодир кўлёзмаси тадқиқи ва таҳдили.....83	
Ходжиева Гавҳар Рамазоновна. Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” шъерий драмасида эрк ва озодлик гояларининг бадий ифодаланиши.....85	
Маматкулов Музаффар Раҳмонкулович. Нишотийнинг “Хусн ва Дил” достонида ирсол ул-масал санъати.....90	

“ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-nazariy, metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**
Aybek Kalandarov
Ushbu songa mas’ul **Sardor Xodjaniyozov**

Terishga berildi: 17.02.2021
Bosishga ruxsat etildi: 27.02.2021.
Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturasi.
Adadi 150. Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma №. 5
Hisob-nashriyot tabag‘i 25
Shartli bosma tabag‘i 23
UrDU matbaa bo‘limida chop etildi.

UrDU matbaa bo‘limi matbaa faoliyatini boshlagani
haqida vakolatli davlat organini xabardor qilish to‘g‘risidagi
Tasdiqnomasi (№3802-835f-ad22-c709-fbd1-1129-1986) asosida faoliyat yuritadi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.

Telefon/faks: (0362)-224-66-01;

e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz

ilmsarchashmalari@mail.ru

Veb-sayt: www.ilmsarchashmalari.uz

Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>